

Давлат харидини амалга ошириш буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

2022 йил 9 август ойи учун

Т/р	Булима номи	Булима изоҳлар
1	Буюрмачи ташкилот номи:	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали
2	Объект номи:	Ошхона
3	Танлов тури:	Очик
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили:	Махсус электрон портал http://xarid.uzex.uz
5	Танловни утказиш манзили, жойи ва санаси	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ибн Сино кучаси 39-уй, махсус электрон порталда http://xarid.uzex.uz даги эълонда белгиланган муддат давомида.
6	Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли	
7	Танлов утказиш тугрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади	Махсус электрон портал http://xarid.uzex.uz
8	Танловда иштирок этишга куйидаги иштирокчиларга рухсат этилади	Таклиф этилган шартлар буйича танловда, электрон муурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин
9	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса)	Мувофиқлик сертификатлари
10	Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари буйича тушунтиришлар олиш муддати	Таклифларни топширишнинг охириги муддатидан икки кун олдин.
11	Танлов таклифларини такдим қилиш муддатлари	http://etender.uzex.uz/ даги эълонда белгиланган муддат давомида.
12	Танлов ҳужжатининг тили	Ўзбек тилида
13	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб _____ кун
14	Танлов предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб- ускуналари	Талаб этилмайди
15	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати	Объект қийматининг 40% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги тугрисида банк маълумоти ёки айланма маблағлар билан таъминлаш тугрисида банк кафилиги. Ушбу ҳужжатни такдим қилмаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади.
16	Иштирокчилар куйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:	Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик; Солиқлар ва йиғимларни тулаш буйича муддати утган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллариининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
17	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Таклифларни қабул қилишнинг охириги вақти http://xarid.uzex.uz сайтида қўрсатилган вақт ва муддат Манзил: Термиз шаҳри Ибн Сино кучаси 39-уй
18	Таклифларни такдим қилиш тартиби	Талабгор электрон тартибда http://xarid.uzex.uz сайти орқали ҳужжатлари такдим қилади.
19	Танлов таклифларини олиш манзили	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Ибн Сино кучаси 39-уй
20	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	5 кунгача
21	Иштирокчиларнинг молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган иштирокчилар	Комиссия томонидан овозга қуйиш орқали (умумий ҳужжатлар тўпламида 30% дан юқори бўлганлар)
22	Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш (маҳсулот етказиб бериш) муддати	31 кун
23	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
24	Молиялаштириш тартиби	Бунда: Танловда қолиб чиққан иштирокчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) аванс уткази
25	Шартнома тили	Ўзбек тилида
26	Шартнома валютаси	Ўзгма
27	Муурожаат учун телефонлар	998 97 350 27 07
28	Муурожаат учун масъул шахс	Давлат харидлари буйича мутахассис Хакназаров Элбек Холмаматович

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали директори



А.Кенжаев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Республика ихтисослаштирилган
онкология ва радиология илмий амалий
тиббиёт маркази
Харид комиссиясининг раиси



А. Кенжаев
А. Кенжаев

« 3 » *декабрь* **2022 йил**

Шифохона беморларини иссиқ овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотларга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

СУРХОНДАРЁ-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танловпредмети

Мазкур танловхужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби

Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Танловхужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил

Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

D. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танловпредмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга (рўйхат рақами 276-сонли 20.05.2022 йилдаги) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилар:

Танловни ўтказиш очиқ турда бўлиб, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 5 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 65 000 000 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 31 кун.

2. Мазкур танловхужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларини иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали

Манзили: Термиз шаҳри Ибн Сино кўчаси 39-уй

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис бош ҳисобчи уринбосари Э Хакназаров

Тел.: (97) 350-27-07

3. Танловкомиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

- белгиланган тартибда танловни ўтказиши;
- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нархтаклифларини ўрганати, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;
- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссиясидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРИ кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоида сизга расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошқор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танловҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танловҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танловҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танловкомиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танловкомиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танловтаклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танловҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танловкомиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танловҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танловҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланишилозим.

10.3. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.4. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди(танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.5. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танловтаклифлари исталган босқичда, танловталабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танловкомиссияси томонидан кўриб чиқиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танловқатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчитанловтаклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танловҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танловтаклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот(хизмат) кўринишида берилган танловтаклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танловтаклифлари xatid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5иш кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш кунини беклиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танловтаклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар танловқатнашчиси ўз таклифлариникайтириб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритишимумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танловҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танловҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 иш кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифларни куриб чиқади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада

Танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танловкомиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танловқатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларини баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бераолмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танловкомиссияси:

қатнашчига танловтаклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танловтаклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танловтаклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танловтаклифлари танловҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танловтаклифларида танловҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5. Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танловқатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танловғолиблари ўртасидаги шартноматанловғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танловғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки тақрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Танлов таклиф шакллари

1-шакл

№ _____ -лот

Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ ва сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов савдолари иштирокчисининг номи: _____

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик ақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): _____

Камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: _____

Танлов қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- омборхона жойлари мавжудлиги (жами m^2) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

**ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ
ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

3-шакл

№ _____ -лот

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топшириқталабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлов ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

**III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА
НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

1. Умумий маълумотлар

1.1. **Хизматларнинг тўлиқ номи:** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. **Буюртмачи:** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали

1.3. **Етказиб берувчи:** Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. **Хизмат кўрсатиш муддати:** 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 31 кун ичида.

1.5. **Молиялаштириш манбалари:** Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. **Хизмат кўрсатувчи ташкилот** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

т. Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

1-жадвал

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати	порц	3 250

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини	порц	3 250

Тижораттаклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ копланди.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 31.12.2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31.12.2022 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сум)да умумий шартнома қиймагининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбан

5.1. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали 2022 йил бюджет маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини	порц	3 250

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Ҳукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

_____/_____/

Буюртмачи:

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология
илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали
_____/_____/

[Иштирокчининг номи ва почта манзили]

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология
илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали
Термиз шаҳри Ибн Сино кучаси 39-уй,

Харид комиссиясига

2022 йил " ____ " ____ соат 17:00 гача (махаллий вақт билан) **ОЧИЛМАСИН**

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Сурхондарё вилоят филиали
беморларига иссиқ овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танловда иштирок этиш.

Таклифни қилиб тушган санаси " ____ " ____ 2022 й.

Вақт ____ соат. ____ дақиқа

* Тижорат таклифидан электрон қабул қилиш танлов комиссияси қотиби томонидан амалга оширилади:

Э.Хакназаров

Тел.: (97) 350-27-07

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.